

## МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИГА ОИД ХАЛҚАРО НОРМА ВА СТАНДАРТЛАР

Тўлқин Каримов

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа  
ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси,  
сиёсий фанлар номзоди

### Аннотация

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назорат институтининг назарий-концептуал асослари таҳлил қилиниб, ушбу йўналишдаги халқаро норма ва стандартлар ёритилади.

**Калит сўзлар:** мудофаа, хавфсизлик, ҳуқуқий давлат, парламент, ассамблея, парламент назорати, жамоатчилик назорати, халқаро ташкилотлар, барқарорлик, ҳуқуқий ва конституциявий нормалар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан туб янгиланишлар жорий этилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Миллий парламентаризмни ривожлантириш ва халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви органлари ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий –ҳуқуқий чоралар амалга оширилмоқда.<sup>1</sup>

Давлатнинг вазифаси жамиятни унга бўладиган ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялаб, фуқароларнинг тинч яшаш ҳуқуқини барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Мамлакат Қуролли Кучлари, миллий армия, хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқ-тартибот органлари жамиятда ижтимоий барқарорликни, хавфсиз муҳитни, қонун устиворлиги ва сарҳадлар хавфсизлигини таъминлашнинг асосий институтлари ҳисобланади. Парламент фуқароларнинг манфаатлари ва қарашларини ифодалаб миллий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил амалга оширишда асосий ўрин тутди.

Парламентларнинг жаҳон ҳамжамиятида хавфсизликни таъминлашдаги ўрнига баҳо берар экан, БМТ Бош Котиби А.Гутерриш: "Парламентлар муҳим рол ўйнайди: улар демократияни ҳимоя қилади, масъулиятни таъминлайди, маҳаллий ва глобал даражалар ўртасида муҳим алоқаларни ўрнатишга ёрдам беради ва оддий одамларнинг ташвишларини халқаро форумлар эътиборига



хавола этади",<sup>2</sup> деб таъкидлаган эди. Мудофаа ва хавфсизлик институтлари устидан парламент назоратини самарали ташкил этиш масаласи халқаро ҳамжамиятлар олдидаги долзарб вазифалар сирасига киради.

Парламент назорати барча соҳаларда давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш имкониятини яратади - парламент томонидан белгиланган тартибда танқид қилиш ҳамда ҳукумат билан парламентнинг тегишли комиссиялари ҳамкорлигида таклифлар ишлаб чиқиш орқали муайян тармоқда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш. ва уларнинг келгусида вужудга келишининг олдини олиш мумкин.<sup>3</sup> Бундай натижага кучли ҳуқуқий асосга эга парламент назорати таъсирчанлигини ошириш орқали эришиш мумкин.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳаси устидан парламент назоратини парламентнинг давлат ҳамда мудофаа ва хавфсизлик органлари билан ўзаро муносабатлари белгилайди. Шу нуқтаи назардан, парламент назорати деб аҳолининг жамоавий иродасига мувофиқ ҳукуматнинг фикрлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш қобилияти тушунилади. Ҳокимият парламент томонидан тасдиқланган қонунлар, қарорлар ва бюджетни жорий этувчи сифатида кўрилади. Парламент назорати нафақат конституция ва қонунлар билан, балки парламент процедуралари ва умумий амалиёт қоидалари билан белгиланади. Мудофаа ва хавфсизлик соҳаси устидан самарали парламент назорати шартлари қуйидагилардан иборат: конституциявий ва ҳуқуқий ваколат, умумий амалиёт, ресурслар ва малакалар (компетенция), сиёсий ирода.<sup>4</sup>

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назоратини таъминлашга қаратилган халқаро норма ва стандартлар БМТ Бош Ассамблеяси, Парламентлараро иттифоқ (ПАИ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеяси (ЙХХТ ПА), Европа иттифоқи Парламенти (ЕИП), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси (МДХ ПАА), Шимолий Атлантика шартномаси иттифоқи Парламент Ассамблеяси (ПА НАТО) томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Бугунги даврда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назоратини амалга ошириш масалаларида халқаро яқдиллик кучаймоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси (ЕКПА-ПАСЕ) Парламентлараро



иттифоқ (ПАИ) каби халқаро ташкилотлар мудофаа ва хавфсизлик органлари парламент назорати объектига айланиши кераклигини сўзсиз тан олади.<sup>5</sup>

Мудофаа ва хавфсизлик органларининг демократик масъулияти парламент томонидан назоратнинг мавжудлигини, шунингдек, бу жараёнда фуқаролик жамияти ташкилотларининг иштирокини назарда тутди. Айтиш мумкинки, парламент назоратидан мақсад мудофаа ва хавфсизлик органлари фаолиятига сиёсий таъсир кўрсатиш ҳамда улар фаолиятини ижро этувчи ҳокимият томонидан тўла бошқаришни амалга оширишга йўл қўймасликдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти анъанавий маънодаги халқаро ташкилотдир. Унга аъзо давлатлар ижро этувчи ҳокимият органлари орқали ўзаро музокараларда ва ташкилот номидан қарорлар қабул қилишда иштирок этадилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига кўра унинг тузилмасида парламентлар учун жой ажратилмаган, аъзо давлатлар ўзининг ҳукумати томонидан ифодаланган.<sup>6</sup>

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назорати БМТ томонидан белгиланган халқаро меъёр бўлиб, кўплаб халқаро ва минтақавий ассоциацияларга аъзо бўлиш ҳамда халқаро ислохотлар ва ҳамкорлик муносабатларининг зарурий шартидир.<sup>7</sup> БМТ Бош Ассамблеясининг “Демократияни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш” резолюциясида Бош Ассамблея давлатларни демократияни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга, шу жумладан, “қуролли кучларни демократик йўл билан сайланган фуқаролик парламенти олдида ҳисобдорлигини таъминлаш”га чақиради.<sup>8</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан аниқланган самарали бошқарувнинг қуйидаги бешта асосий хусусияти хавфсизлик секторини бошқаришда бир хил даражада қўлланилади: (1) шаффофлик; (2) жавобгарлик; (3) ҳисобдорлик; (4) иштирок этиш; ва (5) сезгирлик (одамларнинг эҳтиёжларига нисбатан).<sup>9</sup>

**Мудофаа ва хавфсизликни бошқариш бўйича ҳар бир субъектнинг шахсий ва жамоавий мақсади бутун хавфсизлик секторининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини, шунингдек, хавфсизлик секторидаги фуқароларнинг эҳтиёжларига, сиёсат ва тартибларга сезгирлигини таъминлашдир.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт Дастурининг “Инсоният тараққиёти тўғрисидаги Доклади”да мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги демократик назоратнинг ва демократик бошқарувнинг принциплари очиқ берилган. Хавфсизликни бошқаришнинг демократик тамойиллари:



-Хавфсизликнинг асосий масалалари бўйича олий ҳокимият сайланган вакилларга ишониб топширилиши керак.

- Хавфсизлик ташкилотлари халқаро ва конституциявий нормаларга мувофиқ ишлаши, қонун ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши керак.

- Хавфсизликни режалаштириш ва ресурслардан фойдаланиш ҳақидаги маълумот ҳукумат ичида ва жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак.

-хавфсизлик интизомий ёндашув асосида ҳар томонлама (комплекс) бошқарилиши керак. Бу Миллий хавфсизлик тамойилларига мос равишда давлат ва хавфсизлик сектори бошқарувида ягона тамойилларга асосланишини назарда тутати.

- Фуқаролик-ҳарбий муносабатлар - фуқаролик ҳокимияти ва мудофаа кучлари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга, инсон ҳуқуқларига, ошқоралик ва ҳурматга ҳамда фуқаролик жамияти билан алоқаларга оид аниқ белгиланган ҳокимият иерархиясига асосланган бўлиши зарур.<sup>10</sup> Мудофаа ва хавфсизлик органлари аҳолининг эҳтиёжларига улар томонидан сайланган вакиллар орқали яъни парламентга сайланган, мудофаа ва хавфсизлик органлари фаолияти устидан сиёсий назоратни амалга оширувчи фуқаролар орқали жавоб бериши керак.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг мудофаа ва хавфсизлик органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш тамойиллари ташкилотнинг хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий аспекти бўйича Кодекси (1994-йил)да мустақамлаб қўйилган. Кодекс мамлакатларнинг хавфсизлик кучлари устидан демократик қонунийликка эга ҳокимият органлари томонидан мустақил демократик назоратни амалга ошириш мажбуриятини эълон қилади, шу билан бирга:

- қонун чиқарувчи орган томонидан тегишли бюджетларни қабул қилиш;
- қуролли кучларнинг сиёсий бетарафлиги;
- халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ қуролли кучларни ёллаш, жиҳозлаш ва тайёрлаш;
- қуролли кучларнинг халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини бузганликлари учун жавобгарлиги;
- ички хавфсизлик миссияларида ҳуқуқ ва тартибни сақлаш учун зарур бўлган куч ресурслари;
- фуқароларга ва уларнинг мулкига зарар етказмаслик мажбурияти;



• қуролли кучларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг миллий, диний, маданий, тил ёки этник анъаналарини чеклаш ва уларга риоя қилмаслик учун жавобгарлигини белгилайди.<sup>11</sup>

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Форумининг Махсус Қўмитаси 91-ялпи йиғилишида (1994 йил, Будапешт шаҳри) қабул қилинган “Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига оид одоб-ахлоқ Кодекси”да (IV бўлим, 20, 21, 22 – бандлар) иштирокчи давлатлар барқарорликнинг ажралмас элементи сифатида ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган кучлар, ички хавфсизлик кучлари разведка хизматлари ва полиция устидан демократик сиёсий назоратни кўриб чиқадилар, деб, белгиланган. Кодексга асосан ҳар бир иштирокчи давлатлар демократиянинг муҳим кўриниши сифатида ўз қуролли кучларининг фуқаролик жамияти билан интеграциялашувига ёрдам берадилар, ўзининг ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган кучлари ҳамда хавфсизлик кучлари устидан конституциявий асосларда шакллантирилган, легитим ҳокимиятнинг самарали раҳбарлиги ва назоратини доимий равишда таъминлайди ва қўллаб-қувватлайди. Ҳар бир иштирокчи давлат бундай органлар конституциявий ва ҳуқуқий мажбуриятлар асосидаги ўз вазифаларини бажаришларини таъминлаш учун керакли воситаларни яратиши зарур. Иштирокчи давлатлар бундай кучларнинг функция ва вазифаларини, шунингдек уларнинг фақат конституциявий доирада ҳаракат қилиш мажбуриятини аниқ белгилаб беради. Ҳар бир иштирокчи давлат мудофаа харажатларини ўзининг қонун чиқарувчи органи орқали тасдиқланишини таъминлайди. Ҳар бир иштирокчи давлат миллий хавфсизлик талабларини, ҳарбий харажатларни тегишли равишда ҳисобга олиши, қуролли кучлар оид маълумотлар олишда шаффофлик ва очиқликни таъминлайди.<sup>12</sup>

"Аъзо давлатларда хавфсизлик секторини демократик назорат қилиш тўғрисида"ги Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1713-сонли тавсияси (2005)да парламентнинг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги назорат фаолияти аниқ ҳуқуқий нормаларга асосланиши таъкидланиб, уни ташкил этиш бўйича тавсиялар берилган. Яъни парламент назорати хавфсизлик секторидида сиёсий жавобгарлик ва ошкораликни рағбатлантириш учун бир қатор махсус воситалардан фойдаланади. Ушбу воситалар ўзида конституциявий тамойиллар, ҳуқуқий қоидалар, институционал ва ташкилий шарт-шароитлар акс эттириб, хавфсизлик секторининг турли қисмлари - бир томондан, сиёсий ҳокимиятлар (ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд) ва



бошқа томондан фуқаролик жамияти (ННТлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва бошқалар) ўртасида яхши муносабатларни ривожлантиришга қаратилган умумий фаолиятни ўз ичига олади.<sup>13</sup>

Парламентлараро иттифоқ (ПАИ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, унинг мақсад ва вазифаларини бирлаштиради. ПАИнинг олий органи: йилига икки марта (баҳор ва кузда) чақириладиган ассамблея.

ПАИнинг Инсон ҳуқуқлари (2004), Фуқаролик жамияти (2005), Умуминсоний демократик ва сайлов стандартлари (2007), Сўз эркинлиги ва ахборот олиш ҳуқуқи (2009), Ёшларнинг демократик жараёнлардаги иштироки (2010), Демократик жараёнда фуқароларнинг иштироки (2013), Рақамли асрда демократия (2015), Аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки (2016), Терроризм туфайли демократия ва инсон ҳуқуқларига нисбатан юзага келган таҳдидлар (2016) ва Парламентларда гендер тенглигини таъминлаш бўйича ПАИ Ҳаракат режаси (2012) каби резолюцияларида парламент назоратига оид тавсияларга кенг ўрин берилган.

Парламентлараро Иттифоқнинг “Демократиянинг асосий тамойиллари бўйича умумжаҳон декларацияси. 1995 йилда Парламентлараро иттифоқ турли минтақалардан мутахассисларни бирлаштириб илмий асосларда демократиянинг халқаро стандартлари ишлаб чиқилди. Ушбу стандартларга асосланиб 1997 йилда қабул қилинган Демократия бўйича умумжаҳон декларациясида “Хавфсизлик органлари тузилмалари фаолияти устидан демократик назоратни махсус хизматларнинг фаолиятини тартибга солувчи парламент тасдиқлаган аниқ қонунчилик базасини яратишдан бошлаш керак. Қонунлар махсус хизматларнинг ваколат доирасини, уларнинг фаолият усулларини ва назоратни амалга ошириш имкониятларини белгилаб бериши керак”<sup>14</sup>, деб таъкидланган.

Шунингдек, “Демократия тўғрисидаги умумжаҳон декларациясининг 20 йиллигига: хилма-хиллигимиз умумийлиги” номи билан Парламентлараро иттифоқнинг 137-ассамблеясида бир овоздан қабул қилинган резолюция (Санкт-Петербург, 2017-йил 18-октябр)да парламентларнинг демократия соҳасидаги марказий ролига баҳо берилиб, барча даражадаги ошқора, очик, ҳисобдор ва самарали вакиллик, институтларига эҳтиёж мавжудлиги таъкидланади. Ҳукуматнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ваколатлар бўлинишини мувозанатлаш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди, парламентлар ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини



конституция ва қонунлар орқали таъминлаш муҳимлигини таъкидлайди ҳамда парламентларни ўз фаолиятида ижроия, маъмурият ва харажатлар тизимини назорат қилиш салоҳиятини кучайтиришга чақиради.<sup>15</sup>

Бундан ташқари, Европанинг демократик мамлакатларида миллий хавфсизлик сиёсати ва тажрибаси маҳаллий даражадан стратегик даражагача, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси билан белгиланади ва у барча иштирокчилар учун мажбурийдир. Европа Кенгашининг Венеция комиссияси ҳам мунтазам равишда демократия, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги масалалари юзасидан ҳуқуқий ва институционал тузилмаларни бирлаштиришга доир қонуний талаблар бўйича фикр-мулоҳазаларни тақдим этади. Комиссия хавфсизлик секторини демократик бошқариш билан боғлиқ нормалар ва стандартларни алоҳида эътиборда тутди.<sup>16</sup>

Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг “Европа Кенгашига аъзо давлатларда давлат хавфсизлик органлари фаолиятини назорат қилиш тўғрисида”ги Тавсияларига биноан Давлат хавфсизлиги органлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига риоя қилишлари керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг давлат хавфсизлиги органлари томонидан ҳар қандай бузилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жазоланиши керак.

Қонун чиқарувчи ҳокимият давлат хавфсизлик органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ва фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ бўлган айрим турдаги тезкор чоралар қандай ҳолларда амалга оширилиши мумкинлигини аниқлайдиган ва суиистеъмолликка қарши етарли кафолатлар эга аниқ қонун ҳужжатларини қабул қилиши керак. Қонун чиқарувчи ҳокимият давлат хавфсизлик органлари устидан қатъий бюджет назоратини ҳам амалга ошириши керак, буни бошқа нарсалар қатори, ушбу идоралар ҳар йили бюджет маблағларининг сарфланиши тўғрисида батафсил ҳисобот тақдим этишида ифодаланиши мумкин; Бундан ташқари, парламентларда ушбу мақсадлар учун ёпиқ таркибдаги махсус назорат комиссиялари тузилиши керак.<sup>17</sup>

Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти Парламент Ассамблеяси (НАТО ПА) НАТОга аъзо мамлакатлар парламентларининг парламентлараро ташкилоти бўлиб, Атлантика ҳамжамиятида ва ундан ташқаридаги мамлакатларда қуролли кучларни демократик назорат қилиш тамойилларининг тарқалишига ёрдам беради. Парламент Ассамблеяси томонидан қабул қилинган халқаро келишув актлари, масалан, Россия-НАТО



таъсис акти (1997), НАТО-Украина Низоми, Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши, Тинчлик йўлида ҳамкорлик шартномаларини келтириш мумкин. Ассамблея йилига икки марта тўлиқ аъзолари иштирокида ўз сессияларини ўтказди. Сессия давомида Ассамблеянинг бешта қўмитаси ҳисоботлар кўриб чиқади ва тавсияларни қабул қилади. Тавсиялар Ассамблеянинг расмий позициясини англатиб, ижро учун мажбурий эмас, лекин улар аъзо давлатлар ва ҳамкорлар ҳукуматлари ва парламентлари ўртасида кенг тарқатилади. НАТО Парламент Ассамблеяси ўз иши ва фаолияти орқали қонун чиқарувчиларни НАТО билан боғлиқ масалалар бўйича миллий мунозаралар учун воситалар билан таъминлайди ва шу тариқа парламентларнинг мониторинг функциялари салоҳиятини кучайтиришга ёрдам беради.18

МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг ўн саккизинчи пленар мажлисида (қарор N 18-13 от 24 ноябрь 2001 йил) қабул қилинган “Давлатнинг ҳарбий ташкилоти устидан парламент назорати тўғрисида”ги Модель Қонуни МДХга аъзо давлат ҳарбий ташкилоти устидан демократик фуқаролик назорати соҳасида парламентнинг ваколатлари ва функцияларини амалга ошириш шакллари белгилайди.

Қонун маслаҳат характерига эга бўлиб, МДХга аъзо давлатларнинг бундай назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича қонун ижодкорлиги фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу Қонунда парламент назоратига давлатнинг ҳарбий ташкилоти устидан демократик фуқаролик назоратининг марказий таркибий қисми сифатида қаралади. Ҳарбий ташкилот устидан парламент назоратининг моҳияти, йўналиши, шакллари ва усуллари ушбу Қонуннинг тартибга солиниш предмети ҳисобланади.

Модель Қонунда давлатнинг ҳарбий ташкилотига Конституция ва қонунларга мувофиқ тузилган ва фаолият юритувчи ижро ҳокимияти органлари ва тузилмалари мажмуи (МДХга аъзо давлат); шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган; қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ва ҳолларда қуролли курашнинг куч ва воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) махсус операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга, деб таъриф берилган. Давлат ҳарбий ташкилотининг таркиби ва тузилиши қонун билан белгиланади ва давлатнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқлаштирилади.

Модель Қонуннинг 1.модда, 2-бандида давлатнинг ҳарбий ташкилоти устидан парламент назорати тушунчаси атрофлича очиқ берилган.





Давлатнинг ҳарбий ташкилоти устидан парламент назорати –мазкур Қонун контекстида парламент томонидан бошқа давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган соҳада ҳуқуқий тартибга солиш ва маъмурий чора-тадбирлар тизимини яратиш ҳамда уларнинг муносиб қўлланилишини таъминлаш бўйича фаолият сифатида талқин этилади. Ушбу фаолият давлатнинг ҳарбий ташкилоти таркибига кирувчи қуролли кучлар, қўшинлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва органларга фуқаролик сиёсий ҳокимиятининг олий институтлари томонидан хавфсизликни таъминлаш ва давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарали раҳбарлик қилишни назарда тутди.

Модель Қонунда ҳарбий ташкилот устидан парламент назоратини амалга ошириш шакллари қуйидагича белгиланган:

- а) давлатнинг ҳарбий ташкилотини бошқариш механизми ва тартибини, унинг фаолияти ва давлат ҳокимиятининг фуқаролик институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини белгиловчи қонунларни қабул қилиш; давлат ҳарбий ташкилоти таркибига кирувчи қуролли кучлар, қўшинлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва органларнинг ҳарбий хизматчилари ва хизматчиларининг фуқаролик, ижтимоий ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлаш, уларнинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш;
- б) давлат ҳарбий ташкилоти таркибига кирувчи қуролли кучлар, қўшинлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва органларнинг бюджетини тасдиқлаш, шунингдек бюджетнинг бажарилишини ва ҳарбий соҳага бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини жалб қилинишини назорат қилиш;
- в) давлатнинг ҳарбий ташкилоти таркибига кирувчи қуролли кучлар, қўшинлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва органларнинг ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг таркиби, тузилиши ва штат жадвалини тасдиқлаш.<sup>19</sup> Мудофаа ва хавфсизлик органлари устидан парламент назоратини амалга оширишда парламентнинг қонун чиқарувчилик ваколати асосий омил ҳисобланади. МДҲга аъзо давлат Парламенти МДҲга аъзо давлат конституциясида белгиланган тартибда давлатнинг ҳарбий ташкилотини бошқариш тизимини тартибга солувчи ва ушбу ташкилотни бошқариш бўйича муассасалар ва давлат органларининг ваколатлари ва функцияларини белгиловчи қонунлар қабул қилади. Шунингдек қонун билан давлатнинг қуролли кучлари, қўшинлари, ҳарбийлаштирилган тузилмалари ва органларидан фойдаланиш тартиби; давлатнинг ҳарбий ташкилотига кирувчи



куролли кучлар, кўшинлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва органларнинг мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари ҳам белгиланади. Парламент ҳарбий хизматчилар ва кўрсатилган кучлар, кўшинлар, тузилмалар ва органлар ходимларининг фуқаролик, ижтимоий ва шахсий ҳуқуқларига риоя этилишининг қонунчилик кафолатларини таъминлайди, шунингдек давлат ҳарбий ташкилоти фаолияти ва уни бошқаришнинг бошқа масалаларини тартибга солади.<sup>20</sup>

Мудофаа ва хавфсизлик органларини назорат қилиш ва бошқариш учун ҳуқуқий базанинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай асос халқаро мажбуриятлар ва умумий инсон ҳуқуқларига мос келиши керак. Қонун лойиҳаларини назорат қилиш, бундай қонунларга ўзгартиришлар киритиш, тасдиқлаш ёки рад этиш парламентнинг асосий вазифасидир. Бундай доимий қонунчилик фаолиятисиз миллий назоратнинг умумий даражаси пасаяди.

Парламентларнинг хавфсизлик институтлари, сиёсатлари ва амалиётларини назорат қилиш функцияси хавфсизликни демократик бошқаришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бу парламентларга сиёсат, амалиёт, бюджетлар ва тайинловларни назорат қилиш орқали давлат сиёсати ва қонун ижодкорлигини шакллантириш учун катта масъулият юклайди. Уларда нафақат партиявий кўпчилиكنинг, балки бутун демократик кучларнинг вакиллиги парламентлар ва уларнинг қўмиталарига демократик бошқарувда марказий роль ўйнашга имкон беради.

Европарламент позициясига кўра, назорат хавфсизлик сектори иштирокчиларининг умумий сиёсатга мувофиқлигини текшириш ва уларнинг фаолиятига доир қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, хавфсизлик сектори институтларининг фаолияти самарадорлигини текширишни ўз ичига олади. Назорат ва демократик назорат икки даражада амалга оширилади. Биринчидан, хавфсизлик сектори ўзининг ички назорати ва ҳукумат, вазирликлар, ҳарбий, полиция ва разведка қўмондонликларини ўз ичига олган ижро этувчи ҳокимият томонидан назоратига бўйсунди. Иккинчидан, ташқи назорат парламент, суд ҳокимияти, мустақил органлар, фуқаролик жамияти ва халқаро институтлар томонидан амалга оширилади.<sup>21</sup>

Европарламентнинг қайд этишича, хавфсизлик идоралари фаолияти самарали бўлиши учун улар парламент назорати орқали қонуний ҳукумат ва демократик йўл билан сайланган халқ вакиллари олдида сиёсий жавобгар бўлиши керак. Миллий сиёсат ва хавфсизликнинг устувор йўналишларини белгилашда парламент сайловчиларнинг фикрини ифодалайди. Назорат



функциясини амалга оширишда парламент махсус ваколатлар, хусусан, куч ишлатишни миллий ва халқаро қонунларга мувофиқлигини текширади. Шунга кўра, бюджетни тасдиқлаш парламентнинг ижро ҳокимияти устидан демократик назоратини амалга оширишнинг энг муҳим воситаларидан биридир.<sup>22</sup>

Европа Парламенти қоидаларига асосан, парламент турли босқичларда ўз назорати ваколатларини мустақил равишда ёки ижроия ҳокимияти билан биргаликда амалга оширади. Парламент ижроия ҳокимиятининг таклифига биноан умумий хавфсизлик сиёсатини кўриб чиқади, ўзгартиради ва тасдиқлайди. Парламент хавфсизлик харажатлари даражаси ва мазмунини белгилаши мумкин. Парламент ўз ташаббуси билан хавфсизлик фаолиятининг умумий сиёсатга, тасдиқланган бюджетга ва бошқа қонун қоидаларига мувофиқлигини текшириш орқали жорий хавфсизлик фаолиятини кўриб чиқади. Бунда махсус кўмиталар қимматли тажриба манбаси ва фойдали мулоқот воситаси ҳисобланади.ни тақдим Парламентлар, шунингдек, дастлабки эшитувлар билан ёки уларсиз ижроия ҳокимият томонидан хавфсизлик чораларини кўрилишига рухсат беради.

Парламентлар ҳарбий амалиётлар тугаллангандан сўнг уларнинг ўтказилишини муҳокама қилиши ва баҳолаши мумкин. Парламент, шунингдек, агар раҳбарлар тайинланишини назорат қилиш, уруш ёки ғавқулда ҳолат эълон қилиш, шартномаларни ратификация қилиш, қурол сотиб олиш ва кўшинларни чет элга жойлаштиришга рухсат берилса, муайян қарорларни қабул қилишда бевосита иштирок этиши мумкин.<sup>23</sup>

Европарламент позициясига кўра, парламент назоратининг илғор тажрибаси хавфсизлик сектори устидан демократик назоратнинг тўртта умумий тамойилига асосланади: ҳокимиятлар ўртасидаги бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат; шаффофлик; сайловчиларнинг талабларини қондириш; ҳисобдорлик<sup>24</sup>

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назоратини таъминлашга қаратилган халқаро норма ва стандартларда парламент назоратини таъминлашга қаратилган қуйидаги умумий тамойилларни белгилаш мумкин:

- давлат куч ишлатиш бўйича ҳуқуқий монополияга эга бўлган жамиятнинг ягона тузилмаси ҳисобланади;
- мудофаа ва хавфсизлик хизматлари қонуний демократик ҳокимият олдида жавобгардир;



- Парламент мустақил бўлиши, ижро этувчи ҳокимият эса хавфсизлик ва мудофаа сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва қайта кўриб чиқишда парламентга ҳисобот бериши керак;
- Парламент мудофаа ва хавфсизлик харажатларини тасдиқлаш ва кўриб чиқишда ўзига хос конституциявий ролга эга;
- Фавқулодда ёки ҳарбий ҳолатни эълон қилиш ва бекор қилишда парламент муҳим рол ўйнайди;
- Самарали бошқарув ва қонун устуворлиги тамойиллари ҳукуматнинг барча тармоқларига, шунингдек, мудофаа ва хавфсизлик секторига ҳам тааллуқлидир;
- Мудофаа ва хавфсизлик хизмати ходимлари миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини бузганликлари (фуқаролик ёки жиноий ҳуқуқбузарликлар) учун судлар олдида шахсан жавобгар бўладилар;
- Мудофаа ва хавфсизлик ташкилотлари сиёсий жиҳатдан нейтралдир.

### **Адабиётлар**

- 1.Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент-2021., 47-бет
- 2.А.Гутерриш. БМТ Парламентлараро иттифоқи 140-Ассамблеясидаги мурожаати. Доха,Қатар, 2019 йил 6 апрель.
- 3.Алиев С., Солеев А. Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари.Тошкент,-2005. 137-б.
- 4.Hans Born, Philipp Fluri and Anders Johnsson (eds.), DCAF and IPU (2003), Парламентский контроль над сферой безопасности: принципы, механизмы и практические аспекты.Киев. 2004. 72 стр.)
- 5.Подотчетность спецслужб: правовые нормы, опыт и рекомендации. Ганс Борн, Иан Лей. Женева 2005. 12 стр.
6. БМТ Низоми. <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text>
- 7.О природе отношений между Организацией Объединенных Наций и парламентским миром Стратегический документ, представленный г-ном Гертом Версником, членом парламента Бельгии, членом Консультативной группы Комитета МПС по делам Организации Объединенных Наций Одобрен 117-й Ассамблеей МПС (Женева, 10 октября 2007 года).
- 8.БМТ Бош Ассамблеясининг “Демократияни кўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш” резолюцияси. 8стр. 55/96 (2000) Электронный ресурс: <http://www.un.org/Depts/dhl/resguide/r55.htm>



9.«Роль надлежащего управления в поддержке прав человека» ('The role of good governance in the promotion of human rights' - UNCHR Res. 2000/64, UN Doc. E/CN.4/RES/2000/64.) См. <http://www.un.org/en/terrorism/pdfs/2/G0014048.pdf> p. 277.).

10.HUMAN DEVELOPMENT REPORT 2002DEEPENING DEMOCRACY IN A FRAGMENTED WORLD Published for the United Nations Development Programme (UNDP)New York - Oxford, Oxford University Press2002. 292 p.(<http://www.undp.org/hdr2002/complete.pdf>)

11.ЕХХТнинг хавфсизликнинг харбий-сиёсий аспекти буйича Кодекси.1994 йил, Электронный ресурс: <http://www.osce.org/item/883.html>.

12.ОБСЕ, Кодекс поведения, касающийся военно-политических аспектов безопасности. DOC.FSC/1/95 3 декабря 1994 года RUSSIAN Original: ENGLISH 4стр.

13."Аъзо давлатларда хавфсизлик секторини демократик назорат қилиш тўғрисида"ги Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1713-сонли тавсияси

(2005)электронныйресурс::[http://hdr.undp.org/en/media/hdr\\_2002\\_en\\_complete.pdf](http://hdr.undp.org/en/media/hdr_2002_en_complete.pdf)

14.*Парламентский контроль над деятельностью сектора безопасности: принципы, механизмы и опыт работы.* Книга для парламентариев № 5. Женева: ДКВС, 2003. - С. 64

15.137-я Ассамблея Межпарламентского союза Санкт-Петербург, Российская Федерация 14-18 октября 2017).

16.См., например, исследование Венецианской комиссии №. 388/2006 «Отчет о демократическом контроле над службами безопасности», утвержден на 71-й сессии в июне 2007 г., [http://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-AD\(2007\)016-e](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-AD(2007)016-e), и Исследование № 389/2006 «Отчет о демократическом контроле над вооруженными силами», утвержден на 74-й сессии в марте 2008 г. [http://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDL-AD\(2008\)004-e](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDL-AD(2008)004-e).

17.Совет Европы Парламентская Ассамблея. ДОКУМЕНТЫ, ПРИНЯТЫЕ АССАМБЛЕЕЙ, Рекомендации 1402 СЕССИЯ 1999 г. (Вторая часть) (F-67075 Страсбург (Франция) 26-30 апреля 1999 г.)

18. *Иден Коул, Филипп Флури. Контроль и руководство: Парламенты и управление в секторе безопасности. ДКВС, Женева 2015г. - 76 с).*



- 19."Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи государств - участников СНГ",N 28, 2002 год)
- 20."Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи государств - участников СНГ",N 28, 2002 год)
- 21.Hans Born, Aidan Wills, DCAF-Ministry of Foreign Affairs of the Netherlands (2012), Контроль над разведывательными службами: Практическое пособие).
- 22.Centre for Integrity in the Defence Sector. Criteria for good governance in the defence sector. International standards and principles (2015)
- 23.Centre for Integrity in the Defence Sector: Guides to Good GovernanceDCAF (2006) Parliament's Role in Defence Procurement. DCAF Backgrounder).
- 24.DCAF (2006) Parliament's Role in Defence Budgeting. DCAF Backgrounder.)
- 25.Тинчлик ва тараққиётни таъминлаш: хавфсизлик ислоҳотини қўллаб-қувватлашда БМТнинг роли: БМТ Бош котибининг маърузаси.23.01.2008. 9стр. Электронные ресурсы: <http://www.un.org/Docs/journal/asp/ws.asp?m=s/2008/39>

